

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 03/30.12.2019. Tar.01.04. РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ЭШКУВАТОВ БОБИР ВАЛИҚУЛ ЎҒЛИ

**ХРИСТИАНЛИКНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁГА КИРИБ КЕЛИШИ
ВА ТАРҚАЛИШИ ТАРИХИ**

(археологик объектлар мисолида)

07.00.01. – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Эшкуватов Бобир Валикул ўғли

Христианликнинг Марказий Осиёга кириб келиши ва тарқалиши тарихи
(археологик объектлар мисолида).....3

Эшкуватов Бобир Валикулович

История появления и распространения христианства в Средней Азии (на
примере археологических памятников).....25

Eshkuvatov Bobir Valikul ogli

The history of the oppression and spread of Christianity to Central Asia
(on the example of archaeological sites).....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....51

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 03/30.12.2019. Tar.01.04. РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ЭШКУВАТОВ БОБИР ВАЛИҚУЛ ЎҒЛИ

**ХРИСТИАНЛИКНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁГА КИРИБ КЕЛИШИ
ВА ТАРҚАЛИШИ ТАРИХИ**

(археологик объектлар мисолида)

07.00.01. – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2021

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация
комиссиясида В2020.2.PhD/Tar685-рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-
саҳифаси (www.ik-tarix.nuu.uz) ва "ZiyoNET" Ахборот таълим портали (www.ziyo.net)да
жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Асқаров Аҳмадали

тарих фанлари доктори, профессор, академик

Расмий оponentлар:

Мавлонов Ҳктам Маҳмасобирович

тарих фанлари доктори, профессор

Раимқулов Абдусобур Азамович

тарих фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий
даражалар берувчи ---рақами билан Илмий кенгашнинг 2021 йил "17 декабр" соат
10:30 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб
кўчаси, Ўзб Миллий университетининг тарих факультети, 1-қavat, 110-аудитория. Тел.:
(99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: pauka@nuu.uz
Ўзбекистон Миллий университети).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс
марказида танишиш мумкин (118 рақам билан рўйхатга олинган. Манзил: 100174,
Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй). Тел.: (99871) 236-46-55; факс: (99871) 246-02-
24.

Диссертация автореферати 2021 йил "03 декабр" кун тарқатилди.
(2021 йил "12 ноябр" даги 29 рақамли реестр баённомаси).



Х.Э.Юнусова

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор.

Б.Б.Хайназаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, т.ф.д. (PhD), доцент.

Н.У.Мусаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д.,
профессор.

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Марказий Осиё минтақаси жаҳон тарихининг ажралмас таркибий қисми бўлиб, Ер қуррасининг бошқа минтақалари каби унинг давлат бошқарув тизими бой мафкуравий қарашлар, турли-туман ғоялар ва диний эътиқодлар билан чамбарчас боғлиқ. Марказий Осиё географик жойлашиши жихатидан цивилизация ва давлатчиликнинг қадимий бешикларидан бири, иқтисодий, сиёсий, маданий мулоқот майдони сифатида кенг қулайликларга эга. Бу ҳудуд муайян географик кенгликлар ва минтақалар тарихини бир-бирлари билан боғлашда, халқлараро ва давлатлараро муносабатларни ривожлантиришда, диний ва дунёвий қадриятларни тарихий илдизларини қидиришда ҳам улкан аҳамият касб этади.

Дунё микёсида Ўрта Осиёнинг қадимги тарихи ва маданияти, минтақада кечган турли тарихий-маданий жараёнлар, ўлканинг моддий ва маънавий маданияти тадқиқ этиб келинмоқда. Бироқ, бу борада исломгача ва исломдан кейинги даврда минтақадаги диний эътиқодлар ва қарашлар ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий, этник ва сиёсий омиллари, хусусан, ҳудуддаги христианлик билан боғлиқ бўлган жихатлар етарли даражада ўрганилмаган. Илк ва ривожланган ўрта асрлар даври Марказий Осиёнинг маънавий маданияти тарихига оид тадқиқотларда христианлик дини ёдгорликларининг тавсифий хусусиятлари қайд этилмаган. Жамият ҳаётининг маънавий-руҳий жабҳасида муайян ўринга эга бўлган диний қарашлар ва эътиқодлар билан боғлиқ илмий муаммоларни ўрганиш тарих фанининг долзарб вазифаси ҳисобланади.

Бугун мамлакатимизда фан ва таълим соҳалари тараққиётини таъминлаш, илмий тадқиқотларни янада ривожлантириш зарурати 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”¹ да ўз аксини топган. Бу борада илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтларида инновацион хусусиятларга эга бўлган мавзулар бўйича илмий изланишларни ташкил этиш каби масалалар ўз аксини топган. Айнан шу жихатдан Марказий Осиё халқларининг маданий анъаналари ва қадриятларини ўрганиш жараёнида минтақада христианлик дини тарихини янги илмий қарашлар ва ёндашувлар асосида тадқиқ этиш, шунингдек, долзарб илмий муаммоларни умумлаштирилган ҳолда тегишли илмий хулосалар чиқариш катта аҳамиятга молик.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПҚ–2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ – 4947-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. [Электрон ресурс]. www.lex.uz. Мурожаат қилинган сана: 03.02.2018).

тадбирлари тўғрисида»ги Қарори² ҳамда 2018 йил 18 январь Ф–5181-сон «Моддий маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармойишида³ белгиланган илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган вазифаларни бажаришда ушбу диссертация тадқиқоти долзарблиги билан муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Марказий Осиё минтақасидаги христианлик тарихига оид бир қанча изланишлар олиб борилган бўлиб, уларнинг яратилган даври, ёндошуви ва ҳудудига мувофиқ тўртта гуруҳга бўлинди. 1. XIX- XX асрлар бошларига оид асарлар. 2. Совет даври тадқиқотлари. 3. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда амалга оширилган изланишлар; 4. Хорижий асарлар.

Биринчи гуруҳга оид асарлар, асосан XIX- XX асрлар бошларида Марказий Осиёнинг турли қисмларида фаолият юритган дастлабки олим, тадқиқотчи, маъмурлар, Ўрта Осиёга ташриф буюрган сайёҳ, элчилар ва бошқалар томонидан яратилган бўлиб, мазкур асарлар мустамлака даври Ўрта Осиёсидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти, хусусан христианлик билан боғлиқ моддий ёдгорликлар тарихини ўрганишни бошлаб берганлиги билан ажралиб туради. Ушбу асарлар орасида академик В.В Бартольд⁴нинг Ўрта Осиёдаги христианлик эътиқодининг дастлабки излари ҳақидаги маълумотлари, Н.Н.Пантусов ва Ф.В.Поярковлар⁵нинг Қирғизистондаги, Н.Ядринцев ҳамда А.М.Фетисов⁶ ларнинг Қозоғистондаги христианлик объектларининг очилишига доир илмий ахборотлари, асарларини таъкидлаш жоиз.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПҚ – 2789 – сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори. www.lex.uz. (Мурожаат қилинган сана: 03.02.2018).

³ 2018 йил 18 январь Ф – 5181 – сон - «Моддий маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармойиши. [Электрон ресурс]. www.lex.uz. (Мурожаат қилинган сана: 03.02.2018).

⁴ Бартольд В.В. О христианстве в Туркестане в домонгольский период // Записки Восточного отделения Российского археологического общества. Т. VIII. СПб., 1894. (Сочинения, Т. II, кн. 2. Москва, 1964);

⁵ Пантусов Н.Н. Христианское кладбище близ Пишпека (Семиреченской области) в Чуйской долине // Записки Восточного отделения Российского археологического общества. Т. 1, 1886. СПб., 1887.- С.62-63.; Поярков Ф.В. Об открытии христианских памятников в долине р. Чу // Восточное обозрение. Отд. Хроника. СПб., 1885, 14 ноября. №44.

⁶ Ядринцев Н. Археологические изыскания и открытия д-ра Пояркова близ Токмока // ЗАН. Т. 52. СПб., 1886.-С.158-159.;Фетисов А.М. Дневник раскопок несторианского кладбища близ города Токмака на урочище Бурана в Токмакском уезде Семиреченской области. 1888 // Об исследовании надв. сов. Пантусовым несторианских кладбищ близ гор. Пишпека и Токмока Семиреченской области. Архив Института истории материальной культуры. Дело № 40-б, л. 102а-122б.;

Иккинчи гуруҳ адабиётлар совет даврида олиб борилган изланишлар билан боғлиб, Марказий Осиё республикаларида христианлик билан боғлиқ археологик объектларнинг янада чуқурроқ ўрганилиши, тадқиқ қилиниши билан боғлиқ тарзда кечди. Жумладан, замонавий Туркменистон ҳудудларидаги христианлик ёдгорликларининг очиб ўрганилиши М.Е.Массон⁷ раҳбарлигидаги Жанубий Туркменистон комплекс археологик экспедициясининг қадимий Марв воҳасидаги тадқиқотлари билан бошланиб кетди. Қазिशмалар давомида Марв ҳудудидаги Говурқальанинг шимоли-шарқий қисмидан овалсимон кўринишдаги монастир қолдиқлари аниқланди ва ушбу “овалсимон уй” Г.Я.Дресвянская, О.В.Обельченколар⁸ томонидан ўрганилди. С.А.Ершов раҳбарлигида 1954-1955 йилларда Байрам-али ҳудудида ҳам қазишма ишлари ўтказилиб, Туркменистондаги яна бир христианлик объекти аниқланди⁹. Шунингдек, Туркменистон ҳудудларидаги христианлик объектилари ҳақидаги умумлаштирувчи маълумотларни З.И.Усманова¹⁰ нинг илмий ишларидан олиш мумкин.

Христианликнинг замонавий Ўзбекистон ҳудудлари археологик ёдгорликларида акс этишини ҳудудлар миқёсида талқин этадиган бўлсак, марказий, ғарбий, жанубий, шимолий Суғд ҳудудларида археологик қазишмалар мисолида кўриб чиқиш мумкин. Жумладан, Марказий Суғд ҳисобланувчи Самарқанд атрофларидаги христианлик ёдгорликлари М.Исхаков, Ю.Ф.Буряков, О.М.Ростовцев¹¹ лар томонидан ўрганилган бўлса, ғарбий Суғд ҳудуди ҳисобланган Бухоро воҳасидаги христианлик изларини А.Р.Мухамеджанов, Г.Л.Семеновлар¹² ўрганишган. Қадимий Суғд ва унга ёндош ҳудудларда олиб борилган археологик қидирув ва қазиш ишлари натижасида христианлик дини билан боғлиқ бўлган янги иншоот ва ёдгорликлар очиб ўрганилмоқда. Ана шундай ёдгорликлардан бири Чағониён воҳасида жойлашган Қадимий Термиздаги христианлик ибодатхонасидир. Ушбу ёдгорликнинг ўрганилиши эса бевосита Л.И.Альбаум¹³ номи билан боғлиқ.

⁷ Массон М.Е. Происхождение двух несторианских надгробных галек Средней Азии // ОНУз., 1978.- №10; Муаллифнинг. Клад раннехристианских бляшек и медальонов из Геок-депе // Изв. АН ТССР, 1956, №5;

⁸ Дресвянская Г. Я. "Овальный" дом христианской общины // Тр. ЮТАКЭ, т. 15, Ашхабад, 1974. С.155-179; Обельченко О. В. Некрополь древнего Мэрва (материалы раскопок 1956 г.) //Тр. ЮТАКЭ, т. 14, Ашхабад, 1972.- С. 96-99

⁹ Ершов С. А. Некоторые итоги археологического изучения некрополя с оссуарными захоронениями в районе г. Байрам — Али (раскопки 1954 — 1955 гг.) // Тр. ИИАЭ АН ТССР, т. 5, Ашхабад, 1990.-С.160-204

¹⁰ Усманова З.И. Христианские памятники Туркмении//Из истории древних культов Средней Азии.Христианство. Т.: 1994.- С.30

¹¹ Буряков Ю.Ф., Бурякова Э.Ю. Новые археологические материалы к стратиграфии средневекового Самарканда (по раскопкам площади Регистан в 1969-1971 гг.) // Афрасиаб. Вып. II. Ташкент, 1973.- С.209-210.; Исхаков М.И., Ташходжаев Ш.С., Ходжайов Т.К. Раскопки Коштета // История материальной культуры Узбекистана. Вып. 13. Ташкент, 1977.- С.88-97.; Ростовцев О.М., Иваницкий И.Д. Работы в Самаркандской области // Археологические открытия – 1976 года. Москва, 1977.- С.540.

¹² Мухамеджанов А.Р., Семенов Г.Л. Химическая лаборатория в Пайкенде. (Работы на центральном раскопе в Пайкенде в 1982-1983 гг.) // История материальной культуры Узбекистана. Вып. 20. Ташкент, 1986.- С.211-219.

¹³ Альбаум Л.И. Христианские памятники Туркмении // Из истории древних культов Средней Азии. Христианство. Т.: 1994.- С.33.

Марказий Осиё ҳудудида дастлаб вужудга келган черков ва монастирларнинг асосийлари Еттисув, Талас, Марв, Самарқанд шаҳарлари ва Хоразм воҳасига тўғри келади. Хоразм воҳасидаги христианлик объектларини дастлабки қазиш ишлари 1928-1929 йилларда А.Ю.Якубовский томонидан бошланган. 1962,1964-1965 йилларда эса С.П.Толстов раҳбарлигидаги Хоразм археология-этнография экспедицияси ходимлари томонидан ўрганилган¹⁴.

Насронийлик таълимоти кенг қамровли савдо-сотик муносабатлари, сиёсий қувғинлар, дипломатик характердаги миссиялар орқали Марказий Осиё ҳудудлари бўйлаб тарқалар экан, бу жараёндан ушбу минтақадаги бирор-бир ҳудуднинг четда қолиши мумкин эмас эди. Жумладан, ҳозирги Тожикистон Республикаси таркибига кирган шаҳарлар ва қалъа-қўрғонларда христианлик эътиқоди билан боғлиқ бир қанча археологик топилмалар ва объектларнинг аниқланиши фикримиз тасдиғидир. Тожикистон Республикасидаги христианлик излари Т. М. Атаханов, А.М. Беленицкий, Б.Я.Маршак¹⁵ лар томонидан ўрганилган.

Ўз навбатида Қирғизистондаги христианлик тарихи Л.Р. Кызласов, Ч.Д. Джумагулов, А.Я. Борисов¹⁶ лар томонидан ўрганилган.

Бошқа Марказий Осиё Республикалари каби Қозоғистонда ҳам христианлик динининг тарқалиши Хуросон ва Мовароуннаҳр аҳолисининг сиёсий ва иқтисодий-маданий алоқалари тарихи билан узвий боғлиқ тарзда кечди. Маълумки, Шарқий Туркистон ва Еттисув ҳудудлари бир-бири билан азалдан мустақам тарихий-маданий алоқаларга эга бўлган. Айнан ушбу минтақалар орқали Ўрта Осиё ҳудудлари Узоқ Шарқ билан савдо-иқтисодий муносабатларга киришган. Савдо йўлларининг бир тармоғи Аксу ва Кучага, иккинчиси эса Турфан воҳасига олиб борган. Минтақалар ўртасида йўлга қўйилган маданий алоқалар таъсирида насронийлик Шарққа ёйила бошлаган. 1938 йилда олиб борилган археологик қазишмалар давомида Тароз шаҳрининг шимолий-шарқий бурчагида христианлик эътиқодига алоқадор бўлган бир қанча буюмлар А.Н.Бернштам томонидан ўрганилган¹⁷. Ҳудуддаги христианлик дини қабристонлари эса Т.Н.Сенигова, Л.И. Ремпель¹⁸ лар томонидан ўрганилган.

¹⁴ Толстов С.П. Новогодний праздник «каландас» у хорезмийских христиан начала XI в. // Советская этнография. 1946. №2.

¹⁵ Атаханов Т. М., Хмельницкий С. Г. О работе Шаартузского археологического отряда в 1968-1970 г.г. // Археологические работы в Таджикистане, вып. 10.М.: 1973. С. 187-204.; Пайкова А.В., Маршак Б.И. Сирийская надпись из Пенджикента.- КСИА.147.1976.-С.34; Беленицкий А.М., Маршак Б.Я., Распопова В.И., Исаков А.И. // Археологические открытия – 1966 г. Москва, 1977.- С.559.

¹⁶ Кызласов Л.Р. Археологические исследования на городище Ак-Бешим в 1953-1954 гг. // Труды Камской археолого-этнографической экспедиции. Т. 2. Москва, 1959.- С.231-233; Борисов А.Я. Сиро-тюркская надпись из развалин Сарыка // Эпиграфика Востока. Т. 15. 1963.- С.107.; Джумагулов Ч.Д. Эпиграфика Киргизии. Вып.2. Фрунзе, 1982.- С.40-43.

¹⁷ Бернштам А.Н. Памятники старины Таласской долины. Историко-археологический очерк. Алма-Ата, 1941.- С.22-26.

¹⁸ Сенигова Т.Н. Вопросы идеологии культов Семиречья (VI–VIII вв.) // Новое в археологии Казахстана. Алма-Ата, 1968.-С.67.; Муаллифнинг. Средневековый Тараз. Алма-Ата, 1972.-С.68Ремпель Л.И. Некрополь древнего Тараза // Краткие сообщения Института истории материальной культуры. Вып. 69. 1957.-С.110.;

Учинчи гуруҳ адабиётларига мустақиллик йилларида Ўзбекистон ва унга қўшни бўлган Марказий Осиё республикаларида яратилган асарлар, олиб борилган археологик тадқиқотларнинг натижалари киради. Шу ўринда тарих фани соҳасида янгича назарий-методологик ёндошувлар асосида ҳамда давлатчилик концепцияси нуқтаи назаридан бир қанча ишлар яратилганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ушбу давр тадқиқотларидан академиклар Ю.Ф.Буряков, Э.В.Ртвеладзе¹⁹ларнинг бир қатор илмий ишларида христианликнинг Марказий Осиёга кириб келиши шарт-шароитлари, иқтисодий-маданий, сиёсий омиллар, христианлик объектларининг археологик хусусиятлари кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, Э.Ибрагимов, З. Хусниддинов, О.Лисицкая²⁰ каби олимларнинг диссертацион тадқиқотларида христианлик динининг Ўзбекистон ҳудудларига кириб келиши, христиан жамоалари ва концессияларининг фаолиятига доир маълумотларни олиш мумкин.

Қашқадарё, Тошкент воҳаси, Фарғона водийси ҳудудларидаги христианлик объектлари, уларнинг жойлашуви, меъморий хусусиятларига оид кенг қамровли фактик ва аналитик маълумотлар А.А.Раимкулов²¹нинг илмий ишлари асосида ўрганилди.

Айни вақтда хорижлик мутахассисларнинг ҳам бу борадаги амалга оширган илмий изланишлари ва уларнинг хулосалари ҳақида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир, айнан уларнинг тадқиқотлари ва олиб борган илмий изланишлари натижасида Ўрта Осиёда христианлик дини моддий ва маънавий маданияти жаҳон илм оммасига тақдим қилинмоқда. Бу борадаги ишлар сирасига Ж.Маркварт, В.Куретон, О.Браун, Ж.Асмуссен, Ж.Гилманн, Р.Фолтз, Э.Захау, А.Мингана, П.Карло, В.Клеин, М.Диккенслар²²нинг тадқиқотлари киради.

Муаллифнинг. Каменный сосуд из Турткуль-тепе. О древних связях в искусстве Северного Туркестана и Мавераннахра // Художественная культура Средней Азии в IX–XIII вв. Ташкент, 1983.-С.169.

¹⁹ Буряков Ю. Христианство в Средней Азии в древности и средневековье // Культура народов Центральной Азии. Самарканд, 1999.-С.15.; Ртвеладзе Э.Д. Великий шелковый путь. Т.:, 1999.-С.79-81

²⁰ Ибрагимов Э. Ўзбекистонда христиан конфессиялари фаолияти ва уларнинг диний бағрикенлик шаклланишидаги роли: Автореф. дис. канд. истор. наук.-Т., 2010,-56 б.; Хусниддинов З.М. Ўзбекистонда диний бағрикенлик: муамолар ва мустаҳкамлаш омиллари. Автореф. дис. канд. философ. наук.-Т., 2001,-56 б.; Лисицкая О.В. История католических общин в Туркестане (вторая половина XIX века-1917 год): Дисс. канд. ист. наук. – Т., 2004;

²¹ Раимкулов А.А. Новые археологические материалы к истории христианства Средней Азии // Взаимодействие культур и цивилизаций. В честь юбилея В.М. Массона. Санкт-Петербург, 2000.-С.233.; Муаллифнинг. Своеобразный культовый комплекс Южного Согда // История материальной культуры Узбекистана. Вып. 28. Самарканд, 1997.-С.110-111.; Муаллифнинг. Раимкулов А. О трех неизвестных типах христианских культовых сооружений Средней Азии // История материальной культуры Узбекистана. Вып. 34. Самарканд, 2004.-С.126.; Муаллифнинг. Из истории древних религий Ташкентского оазиса (христианство) // Ўзбекистон пойтахти Тошкент 2200 ёшда. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейига бағишланган Халқаро илмий конференция материаллари. Ташкент, 2009.-С.75.; Муаллифнинг. Об искусственных пещерах на территории Средней Азии // Согд в системе культурных связей Центральной Азии (Тезисы докладов). Самарканд, 1999а.-С.54-57.; Муаллифнинг. Пещерные архитектурные сооружения Средней Азии // Изучение культурного наследия Востока. Материалы межд. конф. СПб., 1999б.-С.92-93.; Раимкулов А.А., Иванов Г.П. Нателный крест с городища Кува // История материальной культуры Узбекистана. Вып. 31. Самарканд, 2000.-С.160-161.

²² Marquart J. Osteuropäische und ostasiatische Streifzüge. Lpz., 1903.-P.283.; Cureton W. Spicilegium Syriacum. L., 1885.-P.32; Asmussen J.P. The Sogdian and Uigur-Turkish Christian Literature in Central Asia before the Real Rise of Islam: A Survey // Indological and Buddhist Studies. Australia, Canberra: Faculty of Asian studies.

Мазкур тадқиқотларнинг натижаларини ҳисобга олган ҳолда, шуни таъкидлаш жоизки, Марказий Осиёда христианлик дини археологик ёдгорликлари тарихига оид махсус монография ёки умумлаштирилган иш ҳозирга қадар мавжуд эмас. Мазкур мавзу алоҳида илмий тадқиқот сифатида ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган илмий тадқиқот ва ўқув режалари билан узвий боғлиқдир.

Тадқиқотнинг мақсади археологик ҳамда ёзма манбалар асосида Марказий Осиёга христианлик динининг кириб келиши ва ёйилиши билан боғлиқ масалаларнинг моддий ва маънавий маданияти тарихини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Бугунги кунгача сақланиб қолган христианлик билан боғлиқ археологик ва ёзма ёдгорликларни тарихий гувоҳлик манбаси сифатида кўриб чиқиш;

Марказий Осиё минтақасига христианликнинг кириб келиши ҳамда тарқалишининг ижтимоий-иқтисодий, этник ва сиёсий омилларини очиб бериш;

Марказий Осиё халқларининг маънавий ва моддий маданиятида динларро бағрикенлик ғояларининг уйғунлиги масаласини аниқлаш;

Марказий Осиё минтақасида христианлик дини билан боғлиқ турмуш тарзи ва қадриятларнинг динамикаси ва аҳамиятини таҳлил этиш;

Марказий Осиёга христианликнинг кириб келиши ва тарқалиши масаласини янги илмий маълумотларга таянган ҳолда таснифлаш ва таҳлил қилиш;

Марказий Осиё халқларининг исломга қадар ва илк исломдан кейинги даврдаги эътиқодлар тизимида христианликнинг ўрни ва роли масалаларини кўриб чиқиш ва умумлаштириш;

Христианлик билан боғлиқ тарихий манба ва маълумотларнинг тарихий воқелик билан ўзаро боғлиқлиги муаммосини асослаб бериш.

Тадқиқот объектини Марказий Осиёда христианлик тарихига оид археологик объектлар, христианликка доир ёзма манбалар ва тарихшунослик маълумотларини янгича ёндашув асосида тадқиқ ва илмий таҳлил этишни ташкил этади.

1982.-P.13.; Gillman Ian and Klimkeit Hans-Joachim. Christians in Asia before 1500-An Arbor: University of Michigan Press.1999.-P.212.; Foltz.R.C. Religions of the Silk Road. -New York: St. Martin's Press.1999.-P.62.; Sachau E. Zur Ausbreitung des Christentums in Asien.B.,1919.-P.19.; Mingana A. The early Spread of Christianity in Central Asia and the Far East: A new docement. -Bull, of J. Rylands Library.9,2,1925.-P.29.; Pavia Carlo. Roma sotteranea e segreta. Milan, 1985. Prominent archaeological sites of Central Asia on the great Silk road. Samarkand, 2011.-P.345.; Klein W., Reck Ch. Ein Kreuz mit sogdischer Inschrift aus Ak-Bešim / Kyrgyzstan // ZDMG, Bd. 154, Heft 1, 2004.-P.43.; Klein W. Das nestorianische Christentum a den Handelswegen durch Kyrgyzstan bis zum 14. Jh. Turnhout, 2000. -P.163-165.; Dickens M. More Gravestones in Syriac Scrip from Tashkent, Panjikent & Ashgbat // Winds of Jinglia. Studies on Syriac Christianity in China and Central Asia. Zürich, 2016.-P.48.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихийлик ва объективлик, хронологик кетма-кетликда тарихий-қиёсий таҳлил, мавзуга оид ёндашувлар ва илмий қарашларнинг танқидий таҳлили усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Марказий Осиёда христианлик билан боғлиқ бўлган тарихий ёдгорликларининг ҳудудий жойлашуви асосида ўлкага христианликнинг Сосонийлар давлати орқали кириб келганлиги ва асосан Зарафшон воҳаси ва Еттисув атрофидаги ҳудудларга тарқалганлиги аниқланган;

Марказий Осиё минтақасида христианлик билан боғлиқ бўлган моддий ва маънавий маданият ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий (тижорат билан боғлиқ ички ва ташқи алоқалар, хўжалик ишлаб чиқариш), этник (этномаданий муносабатлар, миграциялар) ва сиёсий бошқарув тизимига тегишли (асосан Ғарбий Турк хоқонлиги даврида) омиллар очиб берилган;

Марказий Осиё маҳаллий аҳолисининг христианлик диний эътиқоди ва урф-одатларига муносабати ҳамда Европа тиббий билимларининг амалиётга кириб келиши Али ибн Саҳл Раббойи, Ибн Маса, Абу Саҳл ибн Яҳё ал Масихийларнинг фаолияти ёзма манбалар орқали очиб берилган;

ҳудудлар миқёсида Тунхуандан, Коро Хотодан топилган ёзма манбалар ва Суфиён, Дўрмонтепа, Қўштепа ва бошқа археологик ёдгорликлардан топилган моддий ашёлардаги маълумотлар Марказий Осиёда ўз ўрнига эга эканлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тарихий жараёнларни ҳолислик тамойиллари асосида, янги услубий ва назарий ёндашувларга таянган ҳолда объектив ўрганиш, тарихий хронологик кетма-кетликлик негизида ёритишга асосланганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти. Диссертация натижаларининг илмий аҳамияти фанлараро соҳаларидаги (археология, этнография, этнология ва манбашунослик) янги ёндашувларга қатъий амал қилиш ва маънавий тарихга оид бирламчи материалларни таҳлил этиш ва умумлаштиришга хизмат қиладиган услубларни такомиллаштиришга алоҳида урғу берилишда кўринади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, христианлик объектларини авайлаб асраш ва ўрганиш билан турли хил диний эътиқодда бўлган фуқоралар ўртасида аҳллилик, ҳамдардлик, биродарлик ришталарини мустаҳкамлашга, динлараро бағрикенглик орқали диний биқикликнинг зарарли томонларини ёшлар қалбига сингдириш каби умумбашарий қадриятларга амал қилишни тарғиб қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Марказий Осиё, жумладан Ўзбекистонда христиан дини маданияти тарихини ўрганиш ва уни ёритишда ҳамда ўрта махсус ва олий таълим муассасалари учун моддий маданият тарихи бўйича янги авлод ўқув дастурлари ва адабиётларини яратишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўрта Осиёдаги христианлик тарихига оид ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар асосида:

Марказий Осиёда христианлик билан боғлиқ бўлган тарихий ёдгорликларининг ҳудудий жойлашуви асосида ўлкага христианликнинг Сосонийлар давлати орқали кириб келиши ва асосан Зарафшон воҳаси ва Еттисув атрофидаги ҳудудларга тарқалганлигига оид натижалардан Республика Маънавият ва маърифат маркази фаолиятида фойдаланилган (Республика Маънавият ва Маърифат Кенгаши Республика Маънавият ва Маърифат Марказининг 2021 йил 23 февральдаги 02/07-212 сонли далолатномаси). Натижаларнинг қўлланилиши турли миллат, элат ва конфессиялар вакиллари ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатликни халқимиз маданияти, маънавияти, бағрикенглиги негизида мустаҳкамлашга қаратилган “Бағрикенглик-турли туманликдаги бирликдир” мавзусидаги форум ҳамда маънавий-маърифий тадбирларни илмий асосда ташкил қилишга хизмат қилган;

Илк ўрта асрларда христианлик билан боғлиқ бўлган моддий ва маънавий маданият ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий (тижорат билан боғлиқ ички ва ташқи алоқалар, хўжалик ишлаб чиқариш) ва этник (этномаданий муносабатлар, миграциялар) омиллар натижасида Ғарбий турк хоқонлиги давридаги сиёсий бошқарув тизимига таъсирга оид натижалардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари Кўмитаси фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари Кўмитасининг 2021 йил 27 январдаги 14-07-135 сонли Маълумотномаси). Натижалар турли миллат вакиллари истиқомат қилаётган ҳолатидаги ҳамкорлигини ёритиш ва миллатлараро муносабатлар соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишларини амалга оширишга қаратилган ишларнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та илмий конференцияларда, шу жумладан 2 та халқаро конференция ва 2 та республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 8 та илмий ишлар чоп этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларнинг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 та республика ва 1 таси хорижий журналда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг тадқиқот қисми 148 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва ўрганиш зарурати, тадқиқотнинг манбавий асоси, тадқиқотнинг даврий чегараси, ўрганилиш даражаси, мақсад ва вазифалари, илмий янгилиги ҳамда ҳимояга олиб чиқиладиган асосий масалалар баён қилинган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Христианликнинг ғоявий асослари ва унинг тарихий тадқиқотларда акс этиши”** деб номланган бўлиб, мазкур боб икки банддан иборат. Ушбу бобнинг биринчи параграфи *“Христианликнинг ғоявий асослари ва унинг Марказий Осиёга кириб келиши”* деб номланган бўлиб, унда дунё динларининг энг катта тармоғи ҳисобланган христианлик нафақат Европада, балки Шарқ мамлакатлари, хусусан, Марказий Осиё халқларининг маънавий-маданий ҳаётида ўзига хос ўрин эгаллаганлиги, жаҳонда энг кенг тарқалган дунё динларидан бири эканлиги, хатто Яқин ва Узоқ Шарқнинг бир неча минтақаларида кенг ёйилганлиги, жаҳонда бу динга тахминан 2 млрд. дан ортиқ киши эътиқод қилиши, христианликнинг асосий ғояси худо одам — Иисус Христос (Исо Масих) ҳақидаги ривоятлар билан боғлиқлиги, христианлар таълимотига кўра, Худо ягона, лекин у муқаддас учлик (троица)да намоён бўлиши, Исо пайғамбар келажакда тириклар ва ўликлар устидан ҳукм чиқариш учун охират куни ерга қайтиб келади. Унинг ўғитларига, васиятларига амал қилганлар, ҳаёт машаққатларига у каби бардош берганларгина нариги дунёда ажр (мукофот) га эришиши мумкинлиги каби ақидалари баён қилинган.

Марказий Осиёда қадимги даврлардан бошлаб, дунё динларидан бири ҳисобланган христианлик ўзига хос ўрин эгаллайди. Марказий Осиё ҳудудларига дастлабки христиан жамоалари ва тарғиботчиларининг қачон ва қайси йўл орқали кириб келганлиги ҳақидаги аниқ маълумотлар бизгача етиб келмаган. Лекин, христиан дини ва унинг тарқалиши ҳақидаги диний ривоятларда бу диннинг Осиё мамлакатларида, жумладан Ҳиндистон ва унга қўшни давлатларда тарқалиши хаворий Фома номи билан боғланади.

Манбалар таҳлили шундан далолат берадики, II асрдан шакллана бошлаган сурия адабий тили ва ёзувининг асосида ҳам оромий ёзуви асос вазифасини ўтаган. Сурия ёзувида ёзилган маълумотлар манбалар христианлик таълимотининг Осиё бўйлаб тарқалашини акс эттирган дастлабки манбалар саналади. Инжилнинг таржималари ва ундан олинган парчалар, диний мадҳиялар шулар жумласидандир.

Юқорида таъкидланганидек, сурия ёзуви бутун ўрта асрлар дунёсига ўзининг христианлик (несториканлик) тарғиботи орқали ёйилиб, ушбу кўлёмалар ҳозирги кунда дунёнинг турли музейлари фондларида сақланмоқда. Хаворийларнинг IV асрга оид миссионерлик фаолияти ҳақидаги Ипполит қиссасида хаворий Фоманинг христианликни

"парфияликлар, мидияликлар, форслар, гирконлар, бактрияликлар ва марғиёналиклар" ўртасида тарғиб қилгани ҳақида маълумот келтирилади²³.

I бобнинг иккинчи параграфи "*Христианликнинг Марказий Осиё географиясининг тарқалишига доир тарихий тадқиқотлар*" деб номланган бўлиб, ишнинг бу қисмида Турк ҳоконлигининг ташкил топиши ва унинг бутун Марказий Осиёни ягона ҳокимият байроғи остида бирлаштириши бирмунча вақт минтақада сиёсий вазиятни яхшиланишига олиб келган. Айнан мана шу вазиятда несториан миссионерларнинг фаолиятлари ҳам қайта жонлана бошлади. Айниқса, патриарх Йешуяба II (628-643) даврида Самарқанд, Ҳирот, Хитой ва Ҳиндистонда митрополитликлар ташкил қилиш борасида жиддий ҳаракатлар амалга оширилди. Несторианлар миссияси 635 йилда Хитойда ҳам бўлиб, тарғибот – ташвиқот ишларини олиб борган. Ушбу ташрифга доир ёзма ёдгорликлар XVII асрда иезуитлар ордени вакиллари томонидан кенг ёритилган.

Марказий Осиёда фаолият олиб боришга киришган несториан жамоаларининг аъзолари ўша даврда кенг савдо муомаласида бўлган суғдий тилини билишга алоҳида эътибор берганлар, несторианлар бу билан чегараланмасдан, балки ўзларининг мафкуравий доктриналари ва кундалик ҳаётларини яхшилашга қаратилган асосий диний ақидаларини суғдий ва маҳаллий туркий тилларга таржима қилиб тарқатишга ҳаракат қилишган.

Натижада Марказий Осиёнинг кўчманчи турк жамоалари орасида янги динни қабул қилиш одатий тусга айланади. Чунки, юқорида таъкидлаганимиздек, арабларгача бўлган тарихимиздаги диний эркинлик, илоҳий мафкурани буюк инсон учун хизмат эттиришга қаратилган ҳар қандай эътиқодни қабул қилиш имконияти туркий дунё Тангричилик мафкурасининг туб моҳиятини ташкил этган. Ҳатто турк дунёсида шоҳзодалар орасида бутун ўз қўшини билан несторианликни қабул қилишдек фактлар юз берган. Бу воқея 644 йилда бўлган эди²⁴. Несторианларнинг туркларга таъсири шунчалар кенг ёйилганки, унинг излари ҳатто қоя тошларга битилган. Хоч суратларида ҳам ўз аксини топган. Масалан, Ҳиндистондан Хитойга олиб борувчи жанубий тоғ йўлида, қояга битилган Хоч (Крест) расми учрайди²⁵.

Диссертациянинг "**Христианликнинг Марказий Осиё археологик ёдгорликларида акс этиши**" деб номланган иккинчи бобида асосий эътибор Марказий Осиё ҳудудларига христианликнинг кириб келиши ҳамда ҳудудлардаги археологик объектлар таҳлилига бағишланган.

Ушбу бобнинг биринчи параграфи "*Христианликнинг замонавий Ўзбекистон ҳудудлари археологик ёдгорликларида акс этиши*" деб номланган бўлиб, илмий истеъмолдаги маълумотларга кўра, III-IV асрларда Византия, Сурия, Фаластин, Эронда вужудга келган христианлик жамоалари ушбу давлатлардан ҳозирги Ўзбекистон ҳудудига савдо тармоқлари орқали кириб

²³ Кошаленко Г.А., Губаев А., Бадер А.Н., Гаибоев В.А. Древний Мерв в свидетельствах письменных источников. Ашгабат.1994.-Б.62

²⁴ Litvinsky B.A. "Christianity, Indian, and Local Religions", in History of Civilizations of Central Asia.3:424-25.

²⁵ Brown P. The Rise of Western Christendom. Oxford, 2003, ch. 76-77.

кела бошлади. Маълумки, бу пайтда суғд савдогарлари халқаро савдода хал қилувчи кишилар ҳисобланган. Савдо-сотик алоқалари орқали узоқ-яқинда яшаган халқлар ўртасида маданиятлар аро алмашинуви кузатилиб, бу мулоқот ўз навбатида диний-мафкуравий ғоялар трансформациясини ҳам чеклаб ўтмаган. Христианлик ақидаларининг ҳам айнан Суғд орқали Марказий Осиё ҳудудига кириб келганлиги тўғрисидаги илмий қарашларни кўп сонли археологик топилмалар ва қазилмалар билан исботлаб келмоқда.

VII асрдан бошлаб Ўрта Осиёнинг марказий ва шарқий ҳудудларида христианлик тарғиботи ва масиҳийларнинг таъсири ўса бошлади. Патриарх Иешубе II (628-643) ҳукмронлиги даврида Самарқандда митрополияга асос солинган. Лекин, В.В. Бартольд и Э.Захауларнинг фикрларига кўра, Самарқанддаги митрополия Сурия черкови келтирган маълумотдагидан анча олдинроқ, яъни 410-416 йилларда патриархлик қилган Ахай давридаёқ мавжуд бўлган²⁶.

Қашқадарё воҳасида Ўрта Осиёдаги энг дастлабки христианлик ёдгорликларидан бири Қўштепа манзилгоҳи очиб ўрганилган²⁷. Археологик объектда қазил ишлари 1997 йилда А.Раимкулов раҳбарлигида бошланиб, 25х100 м ҳажмдаги шимолдан жанубга қараб чўзилган тепалик шаклида. Ёдгорликнинг умумий баландлиги 13 метргача бўлиб, жануб қисмида арк мавжудлиги аниқланган²⁸. Қазилмалар давомида ёдгорликда 13 та турли хил кўринишдаги хоналар очилган. Бинога кириш хоч шаклидаги коридор орқали ташкил қилинган.

Христианликка доир ёдгорликлар Қадимий Термиздаги христианлик ибодатхонасидир. Ибодатхона деворига хоч кўринишидаги ишловлар берилганлиги аниқланди²⁹. Шундан сўнг 1980 йилда кенг миқёсдаги қазил ишлари бошланди. Объект 40 х 20 метр ҳажмда тўғри тўртбурчак шаклдаги режа асосида барпо қилинган 16 та хонадан иборат. Унинг марказий қисмида хочсимон кўринишда бино барпо қилинган. Тадқиқотчиларнинг фикрларига кўра айнан мана шу бино черков бўлиши мумкин.

Дастлаб хона квадрат шаклда бўлиб, кейинчалик қайта қуриш жараёнлари натижасида хона хочсимон шаклга келиб, гумбаз билан ўраб олинган. Объект тадқиқотчиларининг фикрларига кўра бу хона алоҳида ибодат хонаси-чўқиниш хонаси бўлган.

Иккинчи бобнинг иккинчи параграфи “*Христианликнинг замонавий Тоҷикистон ва Қирғизистон ҳудудлари археологик ёдгорликларида акс этиши*” деб номланган бўлиб, насронийлик таълимоти кенг қамровли савдо-сотик муносабатлари, сиёсий қувғинлар, дипломатик характердаги миссиялар орқали Ўрта Осиё ҳудудлари бўйлаб тарқалар экан, бу жараёндан ушбу

²⁶ Бартольд В.В. О христианстве в Туркестане в домонгольский период // Записки Восточного отделения Российского археологического общества. Т. VIII. СПб., 1894. (Сочинения, Т. II, кн. 2. Москва, 1964)

²⁷ Раимкулов А.А. Новые археологические материалы к истории христианства Средней Азии // Взаимодействие культур и цивилизаций. В честь юбилея В.М. Массона. Санкт-Петербург, 2000.- С. 233.

²⁸ Раимкулов А.А. Своеобразный культовый комплекс Южного Согда // История материальной культуры Узбекистана. Вып. 28. Самарканд, 1997.- С.110-111.

²⁹ Альбаум Л.И. Христианские памятники Туркмении//Из истории древних культов Средней Азии.Христианство.Т.: 1994.- С.33.

минтақадаги бирор-бир ҳудуднинг четда қолиши мумкин эмас эди. Жумладан, ҳозирги Тожикистон Республикаси таркибига кирган шаҳарлар ва қалъа-қўрғонларда христианлик эътиқоди билан боғлиқ бир қанча археологик топилмалар ва объектларнинг аниқланиши фикримиз тасдиғидир.

Ўрта Осиё ҳудудидаги дастлабки христианлик билан боғлиқ бўлган биринчи ерости ёдгорлиги 1970 йилда Тожикистон Республикасининг Суғд вилояти Шаартуз тумани Айвадж қишлоғидан V-VIII асрларга оид бўлган христианлар монастири биноси очиб ўрганилган³⁰.

Қадимги Суғд ҳудудидаги христианлик билан боғлиқ дастлабки топилмалардан яна бири 1973 йилда ҳозирги Тожикистон Республикасидаги Панжикент шаҳридан аниқланган бўлиб, у кўзанинг ён томон тутқичларига сурёний тилида ёзилган битик эди³¹. Қора бўёқ билан битилган ёзувнинг 18 қатори сақланиб қолган, шундан 16 қатори Библиянинг сурия тилига таржима қилинган нусҳаси-Пешиттадан олинган фрагментлардан иборат³². Дешифровка натижасида ушбу ёзувлар VIII асрга оид эканлиги аниқланди.

Панжикент шаҳри яқинидаги Дашти Ўрдakon ва Вахдат манзилгоҳларидан христианлик урф-одатлари бўйича дафн қилинган бир қанча қабрлар ҳам аниқланган³³.

Сўнгги йилларда Тожикистон Миллий музейининг археология ва нумизматика бўлими мутахассислари томонидан ҳам республика бўйлаб кенг миқёсда археологик қидирув ва қазил ишлари амалга оширилиши натижасида, ҳудудда христианлик билан боғлиқ бўлган янги объектлар топилди. Жумладан, Вахш водийсидаги Сайёдқалъа шаҳарчаси ҳудудида 2016 йилда ўтказилган дастлабки қазил ишлари давомида бу ердан сополдан ишланган чақалоқли аёл ҳайкалчаси ва ғиштлардаги хочсимон белгилар топилди. Аёл ва боланинг ёнма-ён тасвирланиши христианликдаги Биби Марям ва Исонинг рамзий ифодаси эканлиги объект тадқиқотчилари томонидан таъкидланмоқда³⁴.

Ҳозирги Қирғизистон Республикаси ҳудудида христианлик динини археологик жиҳатдан тадқиқ этиш 1885 йили ўрта асрларга оид бўлган иккита қабристоннинг топилиши билан бошланган. Улардан биринчиси Пишпаколди қабристони бўлиб, ҳозирги Бишкекнинг жанубий-шарқий чеккасидаги Қора-жиғач қишлоғида, иккинчиси Тўқмоқолди – Буранинское қишлоғи ҳудудидан аниқланган. 1886 йил эса А.М.Фетисов томонидан несторианликка тегишли 35 та қабр қолдиқлари очиб ўрганилди³⁵. Ҳудудда христианлик тарихини ўрганишнинг иккинчи босқичи 1902 йилда Пантусов

³⁰ Атаханов Т. М., Хмельницкий С. Г. О работе Шаартузского археологического отряда в 1968-1970 г. г. // Археологические работы в Таджикистане, вып. 10. М.: 1973. С. 187-204.

³¹ Пайкова А.В., Маршак Б.И. Сирийская надпись из Пенджикента.- КСИА.147.1976.-С.34

³² Paikova A.V. The Syrian Ostrakon from Panjikant. — «Le Muséon». Т. 92. 1979, fasc. 1-2.

³³ Беленицкий А.М., Маршак Б.Я., Распопова В.И., Исаков А.И. // Археологические открытия – 1966 г. Москва, 1977.-С.559.

³⁴ Международное информационное агентство «Фергана»

³⁵ Фетисов А.М. Дневник раскопок несторианского кладбища близ города Токмака на урочище Бурана в Токмакском уезде Семиреченской области. 1888 // Об исследовании надв. сов. Пантусовым несторианских кладбищ близ гор. Пишпека и Токмока Семиреченской области. Архив Института истории материальной культуры. Дело № 40-б, л. 102а-122б.

томонидан Олмаликда учинчи христианлар қабристонининг очилиши ва 1906 йилда Коковцов томонидан тош битиклардаги ёзувларнинг дешифровка қилиниши билан бошланди³⁶. Туркистон ҳаваскор археология тўғараги аъзолари томонидан Сусамир волости ҳудудидан бронзадан ишланган қозон топилди ва бу топилма ҳам христианлик эътиқоди билан боғлиқ эканлиги аниқланди³⁷. 1908 йилда Н.Н. Пантусов томонидан Заука/Джуука дарёси бўйидаги Покровское қишлоғидан навбатдаги христианлар қабристони аниқланди³⁸. 1954 йилда Л.Р. Қызласов томонидан Ак-Бешим шаҳарчасидан христианлик ёдгорликларининг аниқланиши Қирғизистонда христианлик динига оид ёдгорликлар тарихини ўрганишда янги босқични бошлаб берди.

XII – XIII асрларга келиб ўлкадаги вазият ўзгарган. Ёзма манбаларнинг гувоҳлик беришича, ҳудудга шимолий-шарқдан янги христианлик эътиқоди вакиллари (қорахитойлар, киданлар, найманлар) кўчиб кела бошлаган. Бу эса Қирғизистондаги христианликнинг янги тўлқинини бошлаб берган бўлса, иккинчи томондан археологик манбаларга мувофиқ, XIII асрда аввалдан ривож топган йирик шаҳарларда ҳаёт сўнган ва христианлар мамлакатнинг чекка туманларига кўчиб ўтишган.

Иккинчи бобнинг учинчи параграфи параграфи “Христианликнинг замонавий Туркменистон ва Қозғистон ҳудудлари археологик ёдгорликларида акс этиши” деб номланган бўлиб, диний ривоятларда Туркменистон ҳудудларида христианликнинг дастлабки излари милодий III асрга оид эканлиги ҳақида фаразлар учрайди. Абу Райхон Беруний ҳам Исо Масихнинг ўлимидан 200 йил ўтиб, ўлкада христианлар пайдо бўлганлиги ҳақидаги³⁹ ғояни олға суради. Аммо, бу фараз ва фикрлар ҳозирча археологик манбаларда ўз аксини топмаган. Чунки, бу даврда бу замин христианликда миссионерлик билан чераланган бўлиши мумкин. Лекин, ўша давр ҳақида тўлиқроқ маълумот берувчи суғд ҳужжатларида замонавий Туркменистоннинг тарихий ҳудуди таркибида бўлган Марв черкови ва унинг бир қанча епископлари ҳақида маълумотлар қайд этилади⁴⁰. Археологик қазишмалар давомида қадимги Марв ҳудудидаги Говурқалъанинг шимолий-шарқий қисмидан овалсимон кўринишдаги монастир қолдиқлари аниқланди. Бино режасининг асосини 16 х 20 м ҳажмдаги тўғри бурчакли ҳовли ташкил этган бўлиб, унинг атрофида 43та хоналар жойлашган. Деярли ҳар бир

³⁶Қаранг: Коковцов П.К. Христианско-сирийские надгробные надписи из Алмалыка // Записки Восточного отделения Российского археологического общества. Т. XVI. СПб., 1905.

³⁷Находка медного котла в [Сусамырской волости] Пишпекском уезде Семиреченской области // Протоколы Туркестанского кружка любителей археологии. Год 6. Ташкент, 1901.- С.86.

³⁸ЗВОРАО, 1908. С. XV.

³⁹ Беруни Абу Райхан. Памятники минувших поколений. //Избранные произведения, т. 1, Ташкент, 1957.- С.330.

⁴⁰Қаранг: Sogdische Texte, and TW K Muller — Sitzungsberichte de Preussischen Akademie der Wissenschaften. Philosophisch historische Klasse, XXVII, 8, Berlin, 1934.

Ушбу ёзма ёдгорликларда Марв епископларидан III аср ўрталарида яшаган Бар Шаба, Эбидиеж, Илия, VI асрда яшаган Мар Георгиос Марвазайя қабилар алоҳида қайд этилади. Жумладан, Бар Шаба Сосонийлар Эрони пойтахтидан Марвга сургун қилинган. Лекин, у Марвда ҳукмдор Ардашер Шопурнинг хотини яъни малика ва унинг ўғлини оғир касалликдан даволаб, уларни ҳам христианлик динига киритган. Кейинчалик унга шаҳаншоҳ томонидан катта миқдорда маблағ ажратилиб, ушбу пулларга Фарес, Бургана, Абаршаҳра, Сараҳс, Мариверуд ҳудудларида боғлар, қарвонсаройлар, ибодатхоналар барпо қилдиради.

хонанинг деворларида ўчок- камин, тахча, сандал ўрни, баъзиларда эса ётиш учун супалар учрайди. Овал режали ҳовлидаги хоналар бта гурухга бўлинади. Уларнинг 5таси ҳавли атрофида, биттаси ҳовли ўртасида жойлашган. Ҳовли ўртасида жойлашган 3та хоналар майдон жихатидан каттароқ, улар монастир коҳинларига тегишли бўлиши, ҳавли атрофида жойлашган хоначалар эса монастир роҳибаларининг ётоқхоналари бўлиши мумкин. Хоналарнинг эшиги ҳавли ичига қаратилган. Овал шаклидаги ҳавлига жануб томондан пандус орқали кирилган⁴¹.

Археологик ёдгорликда олиб борилган кейинги тадқиқотлар бу ерда VI аср охири VII аср бошларигача христианларнинг православ оқими йўналиши вакиллари истиқомат қилганлигини исботлайди.

Шарқий черков ҳисобланган Сурия черковининг ёзма манбаларида VI асрда фаолият юритган Марв епископи Фёдор, VII асрда Марв епископлигини бошқарган Илий, VIII асрдаги митрополит Иосиф каби христианлик арбобларининг қайд этилиши араблар фатҳидан кейин ҳам Марв ҳудудларида христианлик динининг нуфузи юқори бўлганлигини англатади.

Марказий Осиё минтақасида кенг тарқалган насронийлик (несторианлик)нинг излари Туркманистон Республиканинг бир қанча ҳудудларида аниқланган. Чунончи, Геок-депеда топилган несторианларга тегишли олтин медальонлар⁴², Ак-депеда топилган VI-VII асрларга оид буллада тасвирланган несторианлар хоши тасвири туширилган муҳрлар⁴³ фикримиз тўғрилигини исботлайди. Шунингдек, несторианлар хоши кўринишидаги кесилган тошларнинг Сосонийлар бошқаруви остидаги ҳудудлардан топилиши⁴⁴ ўлкада христиан жамоаларининг муайян мавқеининг мавжудлигини, аҳоли орасида насронийлар миқдори муттасил ошиб борганлигини тасдиқлайди.

Сўнгги йилларда Туркманистон ҳудудида халқаро ҳамкорликлар доирасида олиб борилаётган археологик изланиш ва қазишмалар Республикада христианлик билан боғлиқ янги объектлар ва топилмаларни тадқиқ қилиш имконини яратмоқда. Хусусан, 1993 йилда Қадимий Марв ҳудудидаги Эрк-Қалъада ЮТАКЭ ходимлари Лондон университети олимлари билан ҳамкорликда сўнгги Сосонийлар даврига оид катламлардан сополдан ишланган несторианлар хочлари ва маржонлари аниқланди⁴⁵.

Марказий Осиёдаги каби Қозоғистонда ҳам христианлик динининг тарқалиши Хуросон ва Мовароуннаҳр аҳолисининг сиёсий ва маданий алоқалари тарихи билан узвий боғлиқ тарзда кечди. Бу жараёнда албатта Буюк ипак йўли муҳим аҳамият касб этган. VI – VII асрларда Буюк ипак йўлининг шимолий йўналиши Жанубий Қозоғистон ва Етгисув ҳудудига

⁴¹ Қия кўтарма йўлак

⁴² Қаранг: Массон М. Е. Клад раннехристианских бляшек и медальонов из Геок-депе // Изв. АН ТССР, 1956, №5

⁴³ Губаев А. Сасанидские буллы из замка Ак — депе // ЭВ, вып. 20, 1971.- С. 48,33; 67-69

